


O'ZBEKISTON OVOZI



• 2005-yil • 20-dekabr • Seshanba • 152 (27.487) • www.uzbekistonovoz.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

МАФТУНКОР БУХОРО

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТУБДАН ЯШАРИБ, ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА



Минораи Калон

Замонлар ўтар, йиллар, асрлар ўтади. Ҳеч шубҳа йўқки, фарзандларимиз, навраларимиз, келажак насллар Бухорога, унинг қадимий тарихига қайта-қайта мурожаат этадилар...

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон шаҳарсозлиги



Юридик ва маиший хизмат коллежи

Дунёда шаҳарлар кўп, бир-бирдан гўзал, бетакрор. Аммо шарифлик мақоми олан шаҳарлар бармоқ билан санарли. Ана шундай олий эътирофга сазовор бўлиб, Шарқ гавҳари деб тан олинган Бухоро асрлар оша инсониятни хайратга солиб келмоқда. Қадимий обидалари, осори-атикалари бу юртининг тарихидан сўзлайди бугун. Минораи Калон, масжиди Калон, Арки Олий, Ситораи Моҳи ҳўсса, Лабиховуз, Сомонийлар мақбараси, кўчна тим ва тоқлар, меъморий мажмуаларда ўтмиш яшинган.

— Бухоро кўп асрлар мобайнида фақат бир жойда қад кўтарган ҳамда тўтовсиз ривожланиб бораётган шаҳарлардан биридир, — дейди вилоят бош меъмори Махмуд Аҳмедов. — Ун бешинчи асрадаёқ бу шаҳар меъморий қиёфаси билан Шарқ шаҳарсозлигининг ноёб намунасига айланган эди. Бухоро осмон остидаги музейгина бўлиб қолмай, балки тирик шаҳардирки, унда меъморий яхлитлик ва уйғунлик ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Эски обидалару гузарларда ҳозир ҳам одамлар истиқомат қилаётир.

2-бет



Гиждувон шаҳридаги спорт мажмуаси

Ер эгаси эртага ким бўлади?

ЗАМИН БИЛАН «ТИЛ»ЛАШГАН ДАРОМАД ОЛАДИ

ЎКИ ПОЙТАХТ ВИЛОЯТИДА ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ НИМАЛАРДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА?

Халқимиз сўнги юз йилликлар мобайнида ер билан боғлиқ ҳўжалик муносабатларининг бир неча шаклини ўз бошидан ўтказди. Ва, ниҳоят дунё тажрибасида эътироф этилган — ер ўз эгасини топдиган фермерлик ҳаракати билан бугун юзма-юз турибмиз. Истиқболнинг дастлабки йиллари — бу усулнинг кўп жиҳатдан самарали эканлигини амалда яққол исботлади.

Эндилликда фермерларимиз ўзлари эгалик қилишлари учун муайян муддатларга берилган ерларда омиқкорлик билан иш тутиб, чинакам халол меҳнат қилиш, ҳар бир сўмни тежаш ҳисобига юқори манфаатдорликка эришмоқдалар.

Ҳўш, зироатчилик ва чорвачилик билан шуғулланишнинг фермерлик шакли ҳўжалик юритишнинг бошқа усулларига қараганда, қандай афзалликларга эга? Бугун ким фермер бўлиши керак?

Тошкент вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотларга қараганда, бугунги кунда вилоятда 8 минг 377 та фермер ҳўжалиги мавжуд бўлиб, улардан 3117 таси пахтачилик, 1294 таси галлачилик, 1213 таси боғдорчилик, 809 таси чорвачилик ва бошқа йўналишларда фаолият кўрсатмоқда. Уларда ишловчилар сони эса ўтган 2004 йилга нисбатан 5122 нафарга кўпайиб, 53,6 минг кишига етди. Фермерларга ажратилган ер майдони эса ўтган йилга нисбатан 39,4 минг гектарга кенгайтирилиб, 173,3 минг гектарга етказилди. Айни дамларда вилоятдаги ҳар бир фермер ҳўжалиги учун ажратилган ер майдони ўртача 20,7 гектарни ташкил этмоқда.

қандай амалий ишлар қилинмоқда?

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича котибати мудири Баҳодир Қажҳоровнинг айтишича, айни дамларда вилоят туманларида Юртбошимиз маърузаларида таъкидланган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқарилиб, улар юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Ерни деҳқонларга фермерлик учун танлов асосида бериш ва бу борада ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантиришга катта аҳамият қаратишмоқда. Вилоятимизда бу йил 50 та зарар кўриб ишлаётган ширкат ҳўжалиги тўғрилиб, улар негизда 1774 та фермер ҳўжалиги ташкил этилиши назарда тутилган. Бу 70 минг 628 гектардан зиёд ер фермерлар тасарруфига ўтади, деганидир. Ҳозиргача ҳудудий комиссия томонидан ҳар бир контурга 3 тадан талабгор рўйхатга олинди. Уларнинг барчаси эса лойиҳалари, бизнес-режалари ва иқтисодий асосланган таклифларига эга. Вилоятда ўтаётган йилда паст рентабелли ширкат ҳўжаликлари негизда ташкил этилган фермер ҳўжаликлар бугун ўз иқтисодий салоҳиятини намоён этиб ҳам улгурди.

Уртачириқ туманида бу йилги пахта мавсумида 286 нафар фермер, 15 та ширкат ва тажриба ҳўжаликлари 14 минг 170 гектар майдонда деҳқончилик қилишди.

Табиий савол: Вилоятда ҳақиқий аҳвол шундай бўлгач, инсон учун саховати беназир заминнинг тақдирини эртага кимларга ишониб топширамиз? Ўки айни шу масалаларда вилоят туманларида бугун

Пойтахтимизда Россиянинг «Русский торговый дом» компанияси тақдимоти ўтказилди. Тадбир Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди. Унда мамлакатимиз вазирлиги ва идоралари, Россиянинг қатор фирма ва компаниялари вакиллари, тадбиркорлар ва журналистлар иштирок этди.

РОССИЯ КОМПАНИЯСИНING ТАҚДИМОТИ

Тадбирда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар бу борада муҳим ҳўқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон билан Россия ўртасида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий, ёқилги энергетикаси каби соҳаларда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг шу йил ноябрь ойида Москвада бўлиб ўтган учрашувида эришилган келишувлар муносабатларимизни янги даражага кўтарди.

«Русский торговый дом» компанияси Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга иқтисослашган. Компания раҳбари Роман Эмануиловнинг таъкидлашича, ташкилотнинг юртимизда амалга оширишни режалаштирган мақ-

сад ва вазифалари кўлами кенг. Энергетика, енгил саноат, нефтьга, тоғ-кон, кимё, машинасозлик, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ирригация ва мелиорация соҳаларида қатор кўшма сарможий лойиҳаларни амалга ошириш, товар айирбошлаш ҳўжмини кенгайтириш, шунингдек, углеводород хомашёси, пахта, қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмолчи молларини етказиб бериш ишлари шулар жумласидандир.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда Россия сармоиси иштирокида тузилган тўрт юздан ортиқ кўшма корхона мамлакатимизнинг озиқ-овқат, дори-дармон, ёғочни қайта ишлаш, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик соҳаларида бошқа муҳим тармоқларида фаолият кўрсатмоқда. Россияда эса Ўзбекистон сармоиси билан ташкил этилган 267 кўшма корхона фаолият юритаётир.

Фазилдир АРЗИЕВ, ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҲБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 20 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	878,23	1 Польша злотийси	365,43
1 Англия фунт стерлинги	2083,92	1 СДР	1697,81
1 Дания кронаси	189,71	1 Туркия лираси	873,54
1 БАА дирҳами	320,48	1 Швейцария франки	912,54
1 АКШ доллари	1177,09	1 ЕВРО	1413,45
1 Миср фунти	205,34	10 Жанубий Корёя воени	11,58
1 Исландия кронаси	18,92	1 Япония иенаси	101,22
1 Канада доллари	1016,40	1 Россия рубли	41,08
1 Хитой юани	145,88	1 Украина гривнаси	233,09
1 Малайзия рингити	311,47		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийтини олмаган.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раиси А. Рустамов бошқарди.

Дастлаб, депутатлар ЎзХДП фракциясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ишлаб чиқилмаган давлат дастурига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг келгуси йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастурига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича таклифлар айтилди, шу муносабат билан тузилмаган фракция иш режаси муҳокама этилди.

Фракция аъзоларидан И.А.Аҳмедов, Б.Юсупов, Ш.Абдуллаева, А.Шўқуров, А.Қозлов ва бошқалар ўзларининг аниқ таклифларини билдирдилар. Шундан сўнг депутатлар «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида шартномани ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ушбу масала юзасидан фракция аъзоси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Л.Ғуллом депутатларга ахборот берди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 14 ноябрь кун

расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди. Бу ташриф доирасида қатор муҳим ҳўжатлар имзоланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоланиши икки давлат ўртасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Йиғилишда ушбу масала юзасидан фракция аъзоларининг фикр-мулоҳазалари тингланиб, муҳокама этилди.

Биринчи ўқишда қўйилган муҳокамага киритилмаган «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси ҳақида фракция аъзоси Фахриддин Ражабов ахборот берди. Ушбу қонун Ўзбекистон Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида ишлаб чиқилган. Муҳокама-ларда солиқ маслаҳати ўз номидан ва миқоз топшириги бўйича судда ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз ичига олиши, бу эса уларни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлардан бири ҳисобланиши эътироф этилди. Қонун лойиҳасида айрим баҳс-сталаб, мунозарали нормалар борлиги ҳақида ҳам фикрлар билдирилди.

Қурилган барча масалалар юзасидан фракциянинг нўхтани назари белгилаб олинди.

(ЎЗ мухбиримиз)

ЎзХДП янгиликлари

«ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИГА БЎЛГАН ИШОНЧ

бизни янада жипслаштиради, бирлаштиради ва келажак сари парвозимизга қанот бўлади, — дейишди Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти таъсис конференцияси иштирокчилари

Қарши шаҳридаги Сайид Насафий номли вилоят кўтубхонасида бўлиб ўтган таъсис конференциясида вилоятдаги олий ва ўрта-маҳсус ўқув юрталари талабалари, партия аъзолари ва хайрихоҳлар иштирок этишди. Конференцияни вилоят партия кенгаши раиси О.Раваҳонов олиб бори.

Таъсис конференциясида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Г.Аъзамова ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббускор гуруҳи раҳбари С.Исмоилов иштирок этидилар ва маъруза қилдилар.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшлар маънавиятини, уларнинг сиёсий-ҳўқуқий салоҳиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг билим олиши, спорт билан шуғулланиши учун етарлича шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёшлар олдига турган муаммоларни ўрганиш, ечимини топиш, бу борада ёш фуқароларга амалий ёрдам кўрсатишни ўз Дастурида баён этган. Чунки, мамлакатимиздаги ҳар бир сиёсий партия ўз сафларини иқтидорли, билимли, шижоатли ёшлар билан кенгайтиришга, жамиятда ёшларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ёшлар тўғрисидаги қонунларни янада мукамаллаштиришга ҳаракат қилади.

«Истиқбол» ёшлар қаноти ҳам ана шу эзу мақсадлар меваси. У 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган партия аъзолари ва партия голларига ҳайрихоҳ бўлган ёшларни ўз атрофида бирлаштиради. Уларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини, манфаатларини қонуний равишда ҳимоя қилиш, жамиятнинг барча ҳўбаҳарларида ёшлар фаоллигини ошириш ва бошқа масалаларни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган.

Таъсис конференция қатнашчилари «Истиқбол» ёшлар қанотининг ташкил этилиши, унинг Низом лойиҳасини қўйиши лозим. Бугунги конференцияда тузилган «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳам бу борада етакчи бўлади, деган умиддамиз. Агар ёшлар бир мақсад йўлида бирлашсалар, ҳамфикр бўлсалар, йиллар ўтиб Қанотимиз кенг кўлоч ёзиб, парвозимиз юксак бўлади.

Нигора МИРЗАКУЛОВА, Қонунчилик факультети профессори, Греция парламентининг илмий тадқиқот бўлими раҳбари Антонис Пантелесининг Европа давлатлари парламента-ри, хусусан, Греция парламентининг қўмиталари ишларини режалаштириш тизими ва амалиёти борасидаги тақдимоти депутатларда катта қизиқиш уйғотди.

Баҳс-мунозара тарзида ўтган семинар-тренингда Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этидилар.

ишонч, партияга эътиқод ортади.

Аскар ШАРОПОВ, Қарши давлат университети талабаси:

— Президентимиз XXI аср интеллектуал баркамол ёшлар асри бўлиши керак, деб бежиз айтмаганлар. Демак, биз ёшлар бу ташаббуснинг амалга ошишига ўзимизнинг ҳиссамизни қўйишимиз лозим. Бугунги конференцияда тузилган «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳам бу борада етакчи бўлади, деган умиддамиз. Агар ёшлар бир мақсад йўлида бирлашсалар, ҳамфикр бўлсалар, йиллар ўтиб Қанотимиз кенг кўлоч ёзиб, парвозимиз юксак бўлади.

Нигора МИРЗАКУЛОВА, Қонунчилик факультети профессори, Греция парламентининг илмий тадқиқот бўлими раҳбари Антонис Пантелесининг Европа давлатлари парламента-ри, хусусан, Греция парламентининг қўмиталари ишларини режалаштириш тизими ва амалиёти борасидаги тақдимоти депутатларда катта қизиқиш уйғотди.

Баҳс-мунозара тарзида ўтган семинар-тренингда Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этидилар.

ФАОЛ АЁЛЛАР: ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят Кенгаши қошидаги «Фаол аёллар» қанотининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўнига бағишланган тантанали мажлисдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, хотин-қизларнинг ҳўқуқий саводхонлигини ошириш, яшаш шароитларини яхшилаш, ҳақ-

ҳўқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишлар муҳокама этилди. Бу каби масалаларни ҳал этишда «Фаол аёллар» қанотининг ролини ошириш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда ташкилий масала ҳам кўрилди. Қарши шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари К.Каромова Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар» қанотининг вилоят бўлими раҳбари этиб сайланди.

Абдуразоқ МУРОДОВ, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Парламент фаолияти

ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР АСОСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари қўмитаси ишлари режалаштириш, таҳлил қилишни тақомиллаштириш масалалари» мавзюида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Семинар Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Европа Иттифоқи Комиссиясининг ЕвропЭйд дастури доирасида Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Халқаро эксперт, Афина университети юридик факультети профессори, Греция парламентининг илмий тадқиқот бўлими раҳбари Антонис Пантелесининг Европа давлатлари парламента-ри, хусусан, Греция парламентининг қўмиталари ишларини режалаштириш тизими ва амалиёти борасидаги тақдимоти депутатларда катта қизиқиш уйғотди.

Баҳс-мунозара тарзида ўтган семинар-тренингда Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этидилар.

Маълумжон ҚИЁМОВ

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJRA MARKAZI MULKDORGA HANKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbn.uz E-mail: info@tshmbn.uz va Bijra@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'lari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57, Faks: 152-78-04
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57, Faks: 152-78-04
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz

Ер эгаси эртага ким бўлади?

ЗАМИН БИЛАН «ТИЛ» ЛАШГАН ДАРОМАД ОЛАДИ

ЎКИ ПОЙТАХТ ВИЛОЯТИДА ФЕРМЕРЛИК ХАРАКАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ НИМАЛАРДА НАМОЎН БЎЛМОҚДА?

— Йигим-терим мавсумига тайёргарлик ҳам кўзланган марра 36 минг 775 тонналик улкан хирмонни яратиб орузига, масъулиятига мос, фермерлар шижоатига хос бўлди, — дейди туман ҳокими **Максум Тиллабоев**, — Эътиборлими шундаки, еттигайрилган хомашёнинг 47 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди. «Усон ота», «Турон», «Миракбар ота», «Оппоқ» каби қатор фермер хўжалиқларида ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичи 30-35 центнерни ташкил этди.

Фермерлик ҳаракати кеча ёки бугун эмас, балки бир неча юз йиллар мобайнида синовдан ўтиб келаётган мулкчиликнинг энг самарали шаклидан бири эканлиги ҳақдан таъриҳчилик алаҳқадан, исботланган.

— Фермерларнинг эртанги кунини ойдин, — дейди «Турон» фермер хўжалиқи раҳбари **Абдурашид Маҳмадов**, — Бирок, фермер бўламан деган киши, агротехника қондалари ҳақда тушунаси бўлиши, техника бошқариши, одамлар кўнглига йўл топа билиши керак.

— Демак, ҳамма ҳам фермер бўлиб кетолмайди, демакчиси-да...?

— Ҳа-да. Бу жуда масъулиятли иш. Яхши дехқон ҳам бўлиши мумкин, балки яхши агроном ҳам. Фермер бўлиш учун: ҳам тадбиркор, ҳам ҳуқуқшунос, керак бўлса ҳисобчи-иқтисодчи ҳам бўлиши керак.

— Шундан, у ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олади, — дейди сўхбатимиз асосида «Усон Ота» фермер хўжалиқи раҳбари **Анорбой Усмонов**, — Ҳозир-чи? Айрим фермер хўжалиқлари ҳамон давлатдан инъом кутиб яшамоқда. Энг ачинарлиси, улар ҳали-ҳануз ўз ҳуқуқларини яхши билмайдилар, ўз манфаатларини ҳуқуқий асосда ҳимоя қилолмайди. Юртбошимиз биз фермерлар учун шунча қўлайликлар, имкониятларни яратиб бераётган эканлар, ҳар қарич ердан оқилонга фойдаланиш, қишлоқда дехқончилик маданиятини ошириш, қолаверса, ҳалқимиз турмушу фаровонлигини

ни юксалтириш йўлида янада кўпроқ меҳнат қилишимиз, изланишимиз зарур.

Айни шундай фикрни «Усон ота»га қўшни «Миракбар ота» фермер хўжалиқи раҳбари **Мирсаид Мирқаримов**дан ҳам эшитдик.

Йўлдош Оқунбоев номли ширкат хўжалиқи нафақат ўртача, балки бутун пойтахт вилоятида ҳам илорлардан бири сифатида маълум ва машҳур. Маскув хўжалиқ пахта ва галла уруғчилигига ихтисослашган бўлиб, жами ер майдони 1848 гектарни ташкил қилади, қўшимча экан майдонлари ҳам қўшиб ҳисобланса — бу миқдор 2005 гектарни ташкил этди. Шундан 1131 гектари пахта, 800 гектари галла, қолган қисмида бошқа экинлар экилади. Хўжалиқда жорий йилда режадаги 2962 тонна ўрнига 3535 тоннадан зиёд сифатли пахта хомашёси тайёрланди. Ҳосилдорлик 26,4 ўрнига 31,3 центнерни ташкил этди. Хўжалиқда жорий йилда биргина пахтачиликнинг ўзидан 1 миллиард 3 миллион сўмдан зиёдроқ даромад олиш кўзланган. Агар, бошқа қилиш хўжалиқ маҳсулотлари ҳам бунга қўшилса, бу миқдор 1 миллиард 250 миллион сўмдан ошади.

— Келажак фермерлариники, — дейди ширкат хўжалиқи бошқарувчи раиси **Қурбонали Жўраев**, — Бугун ер ўз эгасини топаётгани, ҳуқуқимиз томонидан зарар қўриб ишлаётган, паст рентабелли ширкат хўжалиқларини негизда фермер хўжалиқларининг ташкил этилаётганлиги айни муддао бўлди. Бирок, пахта ва галла уруғчилигига ихтисослашган ширкат хўжалиқлари ўз ўрнида сақлаб қолиниши керак. Сабаби — бундай ширкат хўжалиқларини кичик-кичик фермерлар тасарруфига бериб бўлмайди. Чунки, сара уруғ тайёрлаш учун малакали мутахассислар, қолаверса бундай фаолият билан шугулланган эканлар, ҳар қарич ердан оқилонга фойдаланиш, қишлоқда дехқончилик маданиятини ошириш, қолаверса, ҳалқимиз турмушу фаровонлигини

ча, чорвани, чорва қилиш учун камида ўн йил вақт керак. Мана, бир мисол: агар биз чорвачилиқдан 10 миллион сўм даромад қиладиган бўлсак, унинг 5 миллион сўмининг ем-хашак ва бошқа ашёлар сотиб олишга сарфлаймиз. Мол тирик жон: уни яхшилаб парвариш қилмасангиз, қутилган натижага эришолмайсиз.

— Мени бир нарса қийнайдилар, — дейди яна Ҳамидулла ака, — Бир пайтлар, чорвачилик йўналишида ташкил қилинган фермер хўжалиқлари, бозор иқтисодиёти талабларига қўйилмайди, ўз фаолиятларини бошқа йўналишларга буриб (қўпинча дехқончиликка ўтиб) кетишляпти. Илгирлари, ширкат хўжалиқлари тасарруфидан бўлган ҳайҳотдек қорамолчилик фермалари арзон-таровга сотилган ҳоллар ҳам кўп бўлди. Кейин эса моллар бош сонини қўлайтириш ўрнига қимларнингдир айби билан талон-торож қилинаётган номақбул «манзара»ларга дуч келаямиз. Назаримда, бундай фермалар вақтида ўз эгаси қўлига берилмаган. Улар «ферманга фалон бош қорамол» билан сотиб олдидим, энди даромад ўз-ўзидан келавери» деб ўйлашган. Афсуски, даромад ўз-ўзидан келмайди. Шундай экан, барча йўналишларда фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиқларининг иши ҳар икки йилда, жойлардаги фермерлар уюшмалари томонидан таҳлил қилиб борилиши керак. Айниқса, чорвачилиқда юқори кўрсаткичларга эришган фермер хўжалиқларида турли семинар-кенгашлар ўтказилиб турилса, фойдадан холи бўлмайди.

Инсон табиат қўйида яшаркан, ундаги бойлик — ер, сув ҳалқ манфаати учун хизмат қилади. Демак, одамзот табиат эҳсонлари билан тиллашиб яшати керак. «Олмоқнинг бермоғи бор» деганларидек, у фермерни ё дехқон — олдин қарамогиди эрга ёки чорвага нимадир бериши ҳам керак. Шунда у берганидан даромад олади. Ҳаёт қонунияти, тириклик талаби шундай.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Хар қандай ободлик кўнгилдан бошланади, деб таъкидлаган Президентимиз. Бухоронинг тор кўчаларида болалиги кечган қариялар, собиқ шўро ҳукмронлиги йилларида эскилик сарки-ти деб камситилган кутлуғ қадамжов ва зиёратгоҳларга боролмаган юртдошларимиз муқтақиллик тўғрисида ўз шаҳарларининг ҳақиқий эгаси бўдилар. Ундаги хар бир обидани кўз қорачиқидек асрашни, улуг пирларга эҳтиром кўрсатишни ўргандилар. ЮНЕСКО қарори билан Бухоронинг XXV асрлик тўйини ўтказиш тадориғи жараёнида шаҳарда бўлган Юртбошимиз обидаларини таъмирлаш борасида кўпгина қимматли маслаҳатлар бердилар.

«Хар бир ёдгорлиқни тубдан қайта таъмирлаш, янада кенгайтириш ва обод этиш, обод этганда ҳам бу ишни икхос билан ва астойдил қилиш даркор. Негаки, бу ишларимиз сиз билан биздан келажак авлодларга ёдгор бўлиб қолади. У юртимизга файзу тароват бағишлаб, асрлар синовига бардош бериб, халқимизнинг яратувчилик даҳосини дунёга намойиш этиб туради». Бухоролик устлар таъмирлаш ишларида Президентимизнинг мазкур сўзларини ҳаминча ёдда тутишди. Шу боис, Ҳўжа Исмаиулла Бухорий зиёратгоҳи, Абдурахмон Аълам, Рашидхон мадрасалари бугун янгидан чирой очди. Узоқ йиллар оғир вафасини ўтаган Масжиди Калон, оламро машҳур Лабиқовлар ансамбли, Шоҳруд ариғи қайта тикланди.

— Шаҳримизда қадимда юздан зиёд ҳовузлар бўлиб, улар атрофи обод гузар, сўлим маскан бўлгани боис аҳоли ённинг жазирасидан сақланиш имкониятига эга бўлган. Бундан ташқари, ҳовузлар тарихий обидаларни шўрланишдан сақлаган. Минг афсуски, йиллар ўтиши билан бу ҳовузнинг кўпи қўрилиб кетди. Қалтис ва ўйламай қилинган айрим ишлар ноб ёдгорликларнинг емирилишига олиб келди. Бу муаммо фақат хўжалиқ эришилгандан сўнг ўз эчимини топди. Говкушон, Ҳовузи Нав, Ҳовузи боло, Исмоил Сомоний каби қатор ҳовузларга яна сув тўлдирилди. Айниқса, қадимий Лабиқовлар яна Бухоронинг қон томига айланган, ўз тароватини кўз-қўй қилмоқда. Энди унинг атрофида халқ сўйиллари, турли томошалар, кўнгилоҳар тадбирлар ўтказилди.

— Шаҳар қадимда банд қалъа билан ўраб олинган бўлиб, узунлиги 12 километрга етган, — дейди вилоят тарихий ва маданият ёдгорликларини асраш ва таъмирлаш инспекцияси бошлиғи Тўйғун

Бобоев. — Шаҳарнинг ўндан ортиқ дарвозаси бўлган. Утган асрнинг ўрталарида қалъа деворлари ҳамда дарвозаларнинг анча қисми сақланганини кексалар эслашди. Ҳозир қалъа деворининг бир қисми ҳамда Қорқул, Топилоқ дарвозаси сақланиб қолган, холос. Эндиликда ана шу деворларни сақлаб қолиш чорасини кўряпмиз. Эски шаҳарозлик ўсрувлари асосида қалъа ёнидан янгидан деворлар тикляпмиз. Мовароуннаҳр бузрувори — Ҳўжа Исмаиуллох Бухорий мақбараси қайта тикланди. Хароба ҳолига келиб қолган ўнлаб масжиду мақбаралар, кутлуғ қадамжолар обод қилинган, бу бизнинг ақдоқларимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромимиз рамзидир.

Дарвоқе, бугун хар тошида тарих тафти бўлган обидалар шаҳарнинг хар гўша-шарча бунёдкорлик, яшарли ҳукмрон. Шу йилнинг ёзида умумий майдони 72 гектар бўлган Сомонийлар боғи бутунлай

сим келди. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришларни айтмаймизми? Дарҳақиқат, бу эътирофда жон бор. Ситорай Моҳи хосса худудиди Қабуллар уйи қурилиши асосида шаҳарда шохқўчалар сони ошди, хиёбонлар, маданият ҳордиқ масканлари қўйилди. Бирина Утган йили қисқа вақт ичида харда Абдуллох Гийдувоний шох қўчаси, янги Отчоплар, Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғи барпо этилди. Бугун эса шаҳарнинг Муқтақиллик ва Баҳоуддин Накшбанд кўчалари кенг қаторли замонавий трассаларга айланган. Йўллар ўртасига гул ва арналар ўтказилди.

Бухоро бугун ҳам илм-фан ва маданият маркази сифатида элга танилган. Ҳозир бу ерда 3 та олий ўқув юрти, ўнлаб коллеж ва академик лицейлар, мактаб ҳамда мактабга таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Шу



Вилоят ҳоқимлиғи

туради. «Универсиада — 2002» олдидан бу иншоот қурилишига 4,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Биринчи тоифадаги бу спорт иншооти 25 миғ томошабинга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ёшлар спортнинг 16 тури билан шугулланиш имкониятига эга. Айни кунларда мажмуа ёшлар билан гавжум. «Умид никоҳлари», «Баркамол авлод», «Универсиада» муسابакаларининг вилоят ва туман босқичидаги беллашувлари ҳам айнан шу ерда ўтади. Шаҳардаги «Ёшлик», «Ҳумо», «Сетора», «Семур» каби спорт мажмуалари хизматидан ҳамма хурсанд.

Болалар спортини ривожлантириш борасида ҳам кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Бугунги кунда 212 та спорт майдониди, 70 та спорт зали, 3 та ёпиқ ва шунча очик сув хавзалари болалар ихтиёрига берилган. Шаҳарда ҳозир 484 та спорт секцияси ташкил этилган бўлиб, уларда 26 миғдан зиёд ўғил-қиз ўз маҳоратини оширяпти.

Ҳа, бугунги Бухоро, унинг меҳнатсевар одамлари, амағла ошираётган бунёдкорлик ишлари ҳақида яна кўп ва ҳўп ёзиш мумкин. Негаки, шаҳарнинг харча худудларида Минораи Калон билан бўйлашаётган иншоотлар қурилиши ҳали бу табарруқ заминда қанчадан-қанча истиқлол иморатлари қад ростлашдан дарак беради. «Бухоро», «Зарафшон» меҳмонхоналаридаги реконструкция ишлари, янгидан буй кўрсатаётган савдо марказлари Бухорои шаҳарининг янада гўзаллашишдан мўждалар келтиряди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Шавкат АҚРАМОВ
олган суратлар.

МАФТУНКОР БУХОРО

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТУБДАН ЯШАРИБ, ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА




«Бухоро» спорт мажмуаси

қайта қурилди. Боғ ўртасидан узунлиги бир километр бўлган бетон ариқ ўтказилиб, унинг икки томони бўйлаб асфальт йўл барпо этилди. Замонавий ёриткичлар ўрнатилди. Боғнинг гарбий томонида спорт майдончалари, теннис кортлари қурилди, болалар ихтиёрига топширилди.

— Бухоро азалдан инсонларни ўзига

ойланган ҳолда қурилди.

— Бугун Бухорои шаҳар ўзининг замонавий спорт иншоотлари билан ҳам диққатга жазовор, — дейди «Бухоро» спорт мажмуи директори Раҳим Ҳайдарзода. — Муқтақиллик йилларида қўнча ва наҳқорон шаҳарда сажимта спорт қошонаси бунёд этилди. Улар орасида «Бухоро» спорт мажмуи алоҳида аҳралиб



«Асака» банк



«Санотқурилишбанк»

ўша кун Зулфия Ражабова ишончада кўринмади. Кадрлар бўлими бошлиғи эмасми, опанин ҳеч бир хабарсиз ишга чиқмаганлиги кўпчилигини ҳайрон қолдирди. Тўхта уйига одам юборилди. Ҳовли эшикларини берк. Кўнжорқа жавоб йўқ. Эртаси кун университетда шум хабар тарқалди: «Зоя опани (марҳумани кўпчилик шундай атади) ўлдириб кетишляпти. Отиб ўлдирилган дейишляпти...».

Этичлик, гап-сўз. Биров «баҳорда опанин уйига ўғри тушиб, тилла таҳқиқларини олиб кетган экан. Қотиллик ўшаларнинг иши бўлиши мумкин» деса, бошқаси «биринчи турмуш ўртоғи билан ажрашган эди, ораларида низо бўлган дейишляпти, у ўлдирилган бўлиши керак», деб таҳмин қилди. Баъзилар оғзида эса «Зоя она ўқишга киритаман деб пул олиб, сўнг киритмас, пулни ҳам қайтиб бермас экан. Шунинг учун бирорта аламзада қасдини олгандир»да-каби ишмишлар кўпайгандан кўпайди.

Кейин ўнлаб одамлар жиноят иши юзасидан ҳибсга олинди, уларни тергов қилиш бошланди. Турли версиялар, гумон ва шўхлар турлар текшириб кўрилди.

Орадан икки ой ўтиб, кўнгилмаганда шу пайтгача гумон ёки шўхга олинмаган Қарши давлат университетини иқтисодиёт ва тадбиркорлиқнинг ривожлантириш масалалари бўйича проректор Камол Очиллов ва қоровуллар бошлиғи Санжар Қўлдошев ҳибсга олинди.

Вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Фахриддин Муродов томонидан ёзилган айблов ҳулосаси билан 7 кишининг иши судга ошди.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди тергов томонидан судланувчиларга айрим моддалар асосис қўйилгани учун жиноят ишларини чиқариб ташлади. Ўшаи модда ва қисмларини қайта малакалади. 2004 йил 30

июнь кун суд ҳукмига кўра Зулфия Ражабованин ўлими юзасидан Камол Очиллов ва Санжар Қўлдошевлар ташқиқотчиликда, Отқаб Ҳалимов иқрочилиқда, Уткир Қўзиев сўқисад қилганликда, Асқар Ҳакимов билан Шерзод Ҳалимовлар жиноят ҳақида ҳабар бермаганликда айбдор деб топилди. Раҳматилла Қурбонова эса университетнинг пулини ўзлаштирилганликда айбланди. Қ.О.чиллов 18 йил озодликдан маҳрум қилинди. С.Қўлдошев билан У.Қўзиевга 16 йил, О.Ҳалимовга 20 йил, А.Ҳакимовга 2 йил ва Ш.Ҳалимовга 4 ой 18 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Р.Қурбонов эса иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ўтказилган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишига жазб қилинадиغان бўлди.

Апелляция инстанциясида ҳукм ўз кучида қолдирилди. Кейинчалик Олий суд раиси биринчи ўринбосари протестига асосан ишни қўриб чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъатининг аъзими билан апелляция ақрими бекор бўлди ва иш апелляция тартибиде қўрилиш учун Бухорога юборилди. Жорий йилнинг 20 апрель кун жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция судлов хайъати ақрими билан мурожаат қилди. Бу ҳақда суднинг 2004 йил 30 июндаги ҳукми яна ўз кучида қолди.

Тахририятга ушбу жиноят иши юзасидан айбланган Очиллов, Қўлдошев ва уларнинг оила аъзоларидан шикоят аризаси тушди. Ушбу мурожаат асосида имкон қадар иш ҳужжатлари ўрганилди, гувоҳлар, химоячилар, Қарши давлат университетини раҳбарлиги ва ходимлари билан сўхбатлашилди. Маҳбуслар билан мулоқот қилишга ҳаракат қилинди. Мутахассислар фикри ўрганилди. Шу жараёнда бизда қўнлаб саволлар пайдо бўлди. Биз тергов ёки судни айблamoқчи эмасми. Фақат аризачилар давросида жон борлиғи, ҳақиқат-

дан ҳам жиноий ишнинг айрим нуқталарида кишини ўйга толдирадиган саволларга дуч келганимизни тегишли иқроличадан диққатига ҳавола қилмоқчимиз.

Жиноят ишда кўрсатилишича, проректор Қ.Очиллов муқаддам судланган ва буну университет маъмуриятиндан яшириб юрган. Бундан кадрлар бўлими бошлиғи З.Ражабова хабардор бўлган. Лекин гўё Қ.Очилловнинг илтимоси билан унинг судланганини университет маъмуриятиндан яшириб юрган. Кейинчалик ўртада низо чиқиб, З.Ражабова унинг судланганини ошкор қилиш билан қўришган. Сир очилиб қолмишдан кўрққан Камол Очиллов эса 500 АҚШ доллари бериш ваъдаси билан университет текшириш таъмирлаш бўлими ишчиси Отабек Ҳалимовни ёллаб, Ражабовани ўлдиригўра.

Бирок жиноят ишда Қ.Очиллов ва З.Ражабовалар ўртасида адоват бўлганини исботловчи бирор асос, далил йўқлиғи кишини ажаблантиради. Тергов пайтида сўроқ қилинган ўнлаб ўқитувчи, хизматчи ва талабалар марҳуманин ишончада ҳеч ким билан низо ҳақда бўлмаганлиғи, бирор киши билан айтишгани ёки уришганига гувоҳ бўлишмаганлиқ, ҳатто эшитишмаганини таъкидлашган.

«Камол ака Ражабовага «опани» деб мурожаат қилар эди. Бирор марта опанин ҳам у киши ҳақида ёмон гапирганини эшитмаганман», дейди биз билан сўхбатда университетда кадрлар бўлими назоратчиси бўлиб ишловчи Райфон Равашанова. Университетнинг бош муҳандиси Боймурод Алихонев, Қ.Очиллов билан бир хонада ишлаган оператор Хусниддин Аҳмедов ва бошқа кишилар ҳам марҳума билан Очиллов ўртасида бирор марта низо чиққанини ёки сан-манга боришганини эслашолмади.

Биринчи савол: Қизик, тергов ва суд қотиликка асос қилиб кўрсатаётган «қелишмовчиликни қаердан олинди экан?»

Суд алоҳида урғу берган масала — Қ.Очилловнинг илгари судланганлик факти ҳам назаримизда атайин бўртирилгандек. Ростдан Қ.Очиллов Яқабов туман судининг 1994 йил 5 октябрдаги ҳукмига кўра ўша пайт амалда бўлган 1959 йил тахрир қилинган ЖКнинг 177-моддаси 3-қисми (харидор ва бюртмачиларни алдаш) ва 149-модданин 1-қисми (мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш) билан айбланиб, 3 йил муддатда шартли равишда озодликдан маҳрум этиш жазоси қўланган. Қашқадарё вилоят судининг 28.04.95 йилдаги ақрими билан ҳукм ижроси кечиктирилди. Кейинчалик амнистия актига асосан ўз жазодан озод этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 22.09.94 йилдаги қарорига кўра, 1959 йилги Жиноят кодексига асосан 1995 йилнинг 1 апрелига қадар ҳукм қилинган, содир этган қилмишлари янги қабул қилинган Жиноят кодексига мувофиқ жиноий деб топилмайдиган шахслар жазонинг барча туридан озод этилиши белгиланди. Бундан ташқари, ушбу қарорда янги ЖКга мувофиқ қилган деб топилмайдиган қилмишлар учун ҳукм қилиниб, жазони ўтаб чиққан ёки муддатидан илгари озод қилинган шахслар судланган, деб ҳисобланганлиғи қўрсатилган. Демак, Қ.Очилловдан судланган деган тамага алаҳқадон қонуний тарзда олиб ташланган ва З.Ражабова истаган тақрирда ҳам уни бу билан қўриқти олмасди. ЖКнинг 77-моддасига биноан эса судланганлик олиб ташлашни муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Агар эътибор берилса, тергов томонидан қотилиқда гумон қилиниб, илгари судланган шахслар ҳибсга олинаяпти. Худди эски замонларда қаерда жиноят содир бўлса, биринчи бўлиб судланганлар ҳибсга олинаяпти. Янада ажабланарлиси, қотиллик

жинояти бўйича шўхланиб, тинтувга боришдан хондонларнинг ҳаммасидан ё патрон ёки гиёванд моддаси чиққан... Қарши шаҳар Гоголь кўчаси 4-уйда яшовчи илгари судланган Шокир Аҳмедовнинг уйдан ҳам 0,03 грамм «героин» ва 1,3 грамм «марихуана» топилган. Унинг ўзи бу воқеани қўйидагича эслади: «2003 йил 16 декабрь кун кечқурун орган ходимлари уйимизга келиб «сен Зояни ўлдиргансан, уйингда қурол бор» деди. Мен қандай қилиб Зояни ўлдирганим мумкинчилигини улардан ҳайрон бўлиб сўрадим. Улар уйингни тинтадиш дейишди. «Хўп» дедим. Тинтадиш. Бироз ўтиб кетганимнинг «чўнгатидан гўёки гиёванд моддаси топиб олишди. Айтинг, «героин»ни ким шақфадаги кетимчи чўнгатганда сақлаши мумкин? Мен «героин» сеники деб ҳибсга олишди. У ерда Зояни ўлдирган ўлдирмаганчилигини сўрашди. Мен унинг ўлимининг бўйинига олмайдим. Охири гиёвандлик бўйича айбалаб, ишимни судга оширдилар».

Бундан ташқари, Файрат Худайбердиев, Рустам Маҳмудов, Анвар Рашидов, Тағандурди Худайбердиев ҳамда Олмос Худайбердиевлар уйдан ҳам тинтув пайтида бир-икки граммдан гиёванд модда ёки патрон чиққан...

Иккинчи савол: Бу ҳолат кишини ажаблантирмайдими? Қотиллик жинояти бўйича гумон қилинган шахс уйдан албатта таъқиқланган бирор нарса чиқши кишида шўхга уйғотмайди? Ёки айрим адоқтлар айтганидек, бу асосий жиноят исботланмаса, тинтув пайтида атайин ташланган восита орқали ҳибсга олинаяптики оқлашга уриниш эмасми?

Дарвоқе, Камол Очиллов ва Санжар Қўлдошевлар ҳам дастлаб ишончаларидан гиёванд моддасини қонуний сақлаганили унинг ҳибсга олинаяпти. Сўнг тергов давомида уларга қотил-

лик, босқинчилик ва бир қатор моддалар айб сифатида қўйилди. Ишончадан гиёванд моддаси чиқиб қолганили ҳолатига эса қўнлаб эътирозли саволлар бор. Маълум бўлишича, қотиллик содир бўлган куннинг эртасига прокуратура ва милиция ходимларидан тузилган тезкор гуруҳнинг бир қисми марҳуманин ишончаси — Қарши давлат университетиде иш бошлаган эди. Судда Қ.Очиллов унинг хонаси ИИБ ходимлари Отабек Топтурдиев ва Тўлқун Ярамотовларга бўшатиб берилгани, улар бу ерда икки ой ишлаганликлари, ўзи эса бу пайтда ҳисоб бўлимида иштин давом эттирилганини айтган, Хусниддин Аҳмедовнинг таъкидлашича ҳам тезкор гуруҳ ходим-

тўғрисидаги қарор ва ИИБ эксперт криминалистика бўлимининг ҳулосалари 13 февраль кун чикарилган.

Учинчи савол: ҳукмда 5 ампула «дормикум» моддаси 14 февралда топилган деб ёзилган. Ҳўш, унда қандай қилиб у топилмасдан бир кун олдин экспертизага берилиши ва унинг «дормикум» моддаси эканлиғи ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин?

Яна бир масала, ўз хонасида ўтказилган тинтувда Қ.Очиллов иштирок этмаган. Унинг турмуш ўртоғи Меннор Жўраеванин айтишича, 11 февраль кундан то ноҳақ 3 кун ҳибсда сақланганлиғи ҳақида кўрсатма пайдо бўлган бир пайтда унинг тўғри-нотўғрилиғи нега текшириб кўрилмади?

Ажабланарлиси шундаки, проректорнинг хизмат хонасида негадир икки марта тинтув ўтказилган. Буну тинтувда холис сифатида иштирок этган А.Бозоров, Ҳ.Аҳмедов ва Б.Алихоневларнинг кўрсатмалари тасдиқлайди. Қ.Очилловнинг иш кабинетида аввал 2 ампула, сўнг 3 ампула «дормикум» моддаси олинган. Лекин ҳукмида баён қилиниши бўйича, **бир кунда, яъни 14 февралда** унинг хиз-

ЖАВОБСИЗ

ЎКИ БИР ЖИНОЯТНИ ФОШ ЭТИШДА НЕГАДИР

лари университетга келиб, иккита проректор хонасида иш олиб боришган, университет ходимларини сўроқ қилишган.

14 февраль кун эса тезкор тергов гуруҳи банд қилган проректор Қ.Очилловнинг хизмат хонасидан «дормикум» психотроп моддаси топилган... Ажабо, Қ.Очилловнинг хизмат хонаси 2 ой мобайнида тўлиғича ИИБ ходимлари ихтиёрида бўлган бўлса, тергов жараёни кетаётган бир пайтда проректор ўз хонасида гиёванд модда сақлаши мумкинлиғи мантқиққа тўғри келмайдими?

Суд ҳукмида «14.02.2004 йил сод 15.30 ларда Очилловнинг хизмат хонасидан 5 ампула... «дормикум» психотроп моддаси сақлаб келингани аниқланди, далилий аш сифатида олинди» деб ёзилган. Лекин тинтув ўтказиш тўғрисидаги ҳамда суд қимёвий экспертизаси тайинлаш

